

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 30 (578) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Ишлаб чиқариш

МАҲСУЛОТ КЎПАЙИБ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, хорижий сармоялар ҳисобига барпо қилинган корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларни жаҳон бозорига рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари кўмаклашиш мақсадида Республика ҳукумати томонидан бир қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинмоқдаки, бу чет эллик ҳамкорлар учун турли имтиёзлар, зарур шарт-шароитларни яратмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тугридан-тугри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш ўринларини яратиш дастурларини амалга оширишда дастуриламал вазифани утамоқда.



Дилшод ЮСУПОВ (ўн) олтун суратлар

Фикримизнинг далили — ўтган 2005 йилда биргина мамлакатимиз енгил саноати соҳасига Республика ҳукумати кафолатисиз тугридан-тугри жалб этилган инвестициялар миқдори 61317 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Пойтахт вилоятида айни пайтда 163 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Аббосхон Валиевнинг айтишича, вилоят ҳудудидаги ушбу корхоналарнинг 128 тасининг Низом жамғармаси 1 миллион АҚШ долларигача, қолган 35 тасиники эса 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорларни ташкил қилади. Вилоят бўйича жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида руҳиятга олинган хорижий сармояга эга корхоналар томонидан жами қўлланилган солиқ ва мажбурий туловлар бўйича имтиёзлар 4199,9 миллион сумни ташкил этгани ҳолда ушбу солиқдан бушаган маблағлар корхоналарнинг айланма маблағларини кўпайтиришга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтиришга йўналтирилган.

Биргина мисол. Чирчиқ шаҳридаги «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ана шундай инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналардан биридир.

Умумий лойиҳа қиймати 39 миллион 952 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган бу йирик мажмуада йилга 56 миллион 880 минг донадан зиёд 10 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Булар эркаклар, аёллар ва болажонларнинг турли кийимлари, кўйлақлар, футболкалар ва ҳоказолардир. Қувончлиси, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорига нисбатан хараддордир.

Тайёрланган маҳсулотларнинг 80 фоиздан ортиғи хорижга экспорт қилинаётди, — дейди қўшма корхона бош директорининг ўринбосари Фазилдин Сирожиiddинов. — Жорий йил охиригача 10 миллиард сумлиқдан зиёд ана шундай маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бунинг 8 миллион 537 минг АҚШ долларлик қисми хорижга экспорт қилинади. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат Германия, Италия давлатларига, балки, Ҳамдустлик мамлакатларига етказиб бериш юзасидан ҳам Россия, Украина, Беларусь сингари давлатлар билан шартномалар имзоламоқдамиз. Бундан ташқари, Москва шаҳрида корхонамизнинг савдо уйини очиб юзасидан ҳам музокаралар олиб боришмоқда.

Албатта, жамоада ички бозорни тўлдирish чоралари ҳам кўришмоқда. Жумладан, пойтахтимиз Тошкентда, Чирчиқ шаҳрида 3 та фирма дўкони ишлаб турибди. Етаки савдо корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб, унинг шартлари изчил бажарилаяпти.

Соҳибжон САЛИМОВ

Бугуннинг гапи

ЭНЕРГИЯ САРФИНИ ТЕЖАШ

бу чироқсиз кун кечирмаслик, жазирамада азият чекмаслик ва шундоғам таъминоти мўл бойлигимизни асраш дегани

ТЕЖАМКОР УСКУНАЛАР ТАНЛОВИ

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, юртимиз саноат корхоналаридаги энергия сарфи бугун дунёдаги ўртача кўрсаткичдан икки-икки ярим баробар кўп. Шу боис, энергия кўп сарфланадиган тармоқларда ва энергетика комплексининг ўзида тежамкорликка оид чора-тадбирларни амалга ошириш далаврат масала ҳисобланади.

“Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси ҳамда “ЭКО-САН” халқаро ташкилоти ҳамкорлиқда ташкил этган республика танлови айнан электр энергетикасидан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ва истеъмолчиларда энергиядан фойдаланиш маданиятини янада юксалтиришга қаратилди.

Компания ташкил этган танловда барча юридик ва jisмоний шахслар иштирок этиши мумкин. Улар томонидан танлов ҳайъатига талабнома, ускуна ва технологияларнинг электр энергиясини тежаш ва энергия сарфини сарфлаш харажатларини камайтиришдан иборат. Экология вазириликнинг маълумотларига кўра, ўтган йил «ишга жалстуксиз» кампаниясининг шарофати билан бир ой давомида 700 мингта хонадонни электр энергияси билан таъминлаш учун сарфланадиган энергия тежаб қолди.


лаган иштирокчига компьютер, иккинчи ўрин телевизор ҳамда учинчи ўрин соҳиби мусиқа маркази билан тақдирланади.

Қузатувчиларнинг фикрича, жаҳондаги қўллаб-даватлар ўтган асрга нисбатан кўп миқдорда энергия сарфламоқда. Бу ҳол, айниқса, кейинги 2-3 йил мобайнида анча ортиган. Натижада сайёрамизнинг турли нукталарида энергия танқислиги юзaga келмоқда. Йирик шахарлар чироқсиз кун кечираётгани жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали бот-бот хабар қилинмоқда. Мана сизга бир мисол:

“ИШГА ГАЛСТУКСИЗ”

Японияда “ишга галстуксиз” дея номланган умумий миллий кампаниянинг олдидан хабардорсиз. Бутун ёз фасли давомида давлатнинг барча корхоналарида кондиционерларнинг 28 градусдан пастроққа ўрнатиш ман этилиб, жазирамадан азият чекувчи амалдорлар анъанавий галстук ва галстуклардан воз кечишларига тўғри келди. Бу кампаниянинг ташаббускори бош вазир Дзюньитиро Коидзуми саналади.

Мазкур кампанияни ташкил этишдан мақсад ёз фаслида электр энергиясини сарфлаш харажатларини камайтиришдан иборат. Экология вазириликнинг маълумотларига кўра, ўтган йил «ишга галстуксиз» кампаниясининг шарофати билан бир ой давомида 700 мингта хонадонни электр энергияси билан таъминлаш учун сарфланадиган энергия тежаб қолди.



Бугунги кунда Республикадаги электростанциялар қуввати 12,3 миллион кВтдан ошади. Мазкур тизимдаги 11,5 фоиз гидроэлектростанциялар ва 86 фоиз иссиқлик электростанциялари «Ўзбекэнерго»га тегишли. Қолган электростанциялар бошқа идоралар тасарруфда. Тизимдаги асосий станциялар қуйидаги иссиқлик электростанциялари саналади: Сирдарё ИЭС — қуввати 3000 МВт, Тошкент ИЭС — 1860 МВт, Янги Ангрен ИЭС — 2100 МВт ва Навоий ИЭС — 1250 МВт.

ЖАЗИРАМА РЕКОРД КЎРСАТКИЧАДА

Айни пайтда Европада жазирама об-ҳаво ҳукм сурмоқда. Хабарларга кўра, ҳарорат Европа давлатларида рекорд кўрсаткичга етган. Бу ҳол айниқса, ёши катта одамлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётди. Бундай ҳодисалар Франция, Голландия, Германия ва Испанияда кузатилади. Буюк Британияда эса ҳарорат 36,3 градусгача кўтарилган. Ҳаво иссиқлигидан одамлар фонтан атрофларида йиғилишмоқда. Аҳолининг кондиционерлардан кеча-кундуз фойдаланаётгани бир неча шахарларда электр энергияси танқислигини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда дунёда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётгани сабабли энергия захираларидан унумли фойдаланиш, уларни тежаш гоят долзарб масалаларга айланди. Ўзбекистон ўзини ўзи мустақил равишда энергия ресурслари билан тула таъминлаётган кам сонли давлатлардан. Аммо, бу мазкур ресурслар битмас-туганмас дегани эмас. Шу боис, уларни асраб-авайлаш, ҳар қандай ҳужасизлик ҳолатларига чек қўйиш зарур.

Бехбуд БОТИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўҳна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадам-жоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қўлтуқ санасини 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳақида юрдошларимиз, хусусан, Ёш авлодни миллий гуруҳ ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчилиқнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби, тадбирлар дастури 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2006-2007

йилларда Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни таъмирлаш, ижтимоий ҳамда коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Самарқанд шаҳрида 2007 йил май ойида «Самарқанд шаҳрининг умумбаъшарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш, мазкур анжуман ишига мамлакатимиз ва чет эллардаги танқиди олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, шу мавзу билан боғлиқ бадиий-тарихий курғазмалар уюштириш, конференция материалларини чоп этиш ва кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Белгиланган қўйилсинки, халқаро илмий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджет ҳисобидан қопланади.

5. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисларида тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш тўғри-

сида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб босин.

6. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга доир тадбирлар дастури амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Белгиланган қўйилсинки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари ҳамда 2006-2007 йилларда тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатлар ушбу тадбирларни бажаришга масул вазирликлар, ҳокимликлар ва идораларнинг 2006 йилда шу мақсадлар учун кўзда тутилган, шунингдек, 2007 йилдаги бюджет параметрларида режалаштирилган маблағлари доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига қўйлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июль



БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимида туб бурилиш ясашга эришилди ва бу соҳадаги натижаларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш имконияти яратилди



Мустақилликка эришганимизнинг ўн беш йиллиги шодиёналари арафасида мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар юрдошларимиз қалбига гуруҳ қўшаётди. Ана шундай хушхабарлардан бири, айниқса, мени беҳад қувонтирди: Словения-

нинг Любляна шаҳрида ўтган 47-халқаро математика олимпиадасида Қорақўл туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчилари Жавлонбек Бозоров ва Ўткиржон Болтаев бронза медаллари соҳиби бўлишди.

2-бетда ўқинг

Партия кўзгуси

АНДИЖОНДА АНЖУМАН

“Адолат” СДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан вилоятда партия аъзолари сафини кенгайтириш, сиёсий фаолликни ошириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Кенгаш томонидан партия фаоллари ҳамда аъзолар иштирокида ўтказилаётган турли мавзулардаги тадбирлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси мажлислар залида бўлиб ўтди. “Истиқлолимиз келажиги онлар қўлида” деб номланган ушбу анжуман вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Анжуманни вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, АҚДИ ректори, профессор Маматзоир Хўжамбердиев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг қўмитасининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Эгамова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, “Адолат” СДП фракция аъзоси З.Ботировлар сўзга чиқиб, аёлларнинг жамиятда туган маъқили, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бугунги куннинг талаби эканлигини эътироф этдилар.

Анжуман иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Унда вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Комил Абдуллаевнинг вилоят Кенгашининг 2006 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тинланди. Шундан сўнг маъруза муҳокамасида сўзга чиққан партия фаоллари Дилфуза Абдурахмонова, Тоҳиржон Сотиев, Набижон Бойбобоевлар ўтган давр мобайнида вилоят партия Кенгаши томонидан диққатга сазовор ишлар амалга оширилгани, лекин уларнинг қўламини таъсирчанлиги етарли даражада эмаслигини, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги партиянинг ўрни ҳали сезилмаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Вилоят партия Кенгаши биринчи котиби лавозимида ишлаб келган Комил Абдуллаевнинг ишдан озод этишни сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ҳодимлари касаса уюшма вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, “Адолат” СДП аъзоси Насим Хусанов вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўз муҳбиримиз

Ушбу сонда:

ЕРИЛГАН ҚОЗОНДАН
ОҚҚАН РАВҒОЛАР

журналист
суриштируви

2

ҚАРОР АДОЛАТЛИ.
ИЖРО-ЧИ?..

таклиф

3

ТИЛГА МУҲАББАТ
— ҚАДРЛИ ТҮЙҒУ

акс-садо

4

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жаҳоннинг тўқсон етти давлатидан беш юз уч нафар энг иқтидорли ўқувчилар иштирок этган, нуфузига кўра жуда оқори турадиган фан олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллаш ўқувчилар катта билим ва салоҳиятни талаб этиши ўз-ўзидан аён.

Очиғи, бундан ўн беш йил аввал бизнинг фарзандларимиз ҳам халқаро олимпиадаларда қатнашиб, дунёнинг энг иқтидорли болалари орасида совринли ўринларни эгаллашнинг фақат оруз қилиш мумкин эди. Истиқлолимиз халқимизнинг эгу ниятлари, оруз-умидларининг рўёбга чиқишига замин ҳозирлаб берди.

Ўн беш йил мобайнида биз ёш авлоднинг халқаро миқёсидаги илм ва спортда эришган жуда кўп галабаларига гувоҳ бўлдик. Қорақўллик ўқувчиларнинг ажойиб ютуғи навбатдагисидир.

Юксак тараққий этган мамлакатларнинг тарихий таърибасидан маълумки, ёрқин истиқболни кўзлаган ҳар қандай мамлакат, аввало, таълимни ривожлантиришнинг биринчи қадамига вазифа, деб қараган. Хусусан, Японияда бундан бир аср муқаддам давлат бюджетининг ўттиз фоизи таълимга йўналтирилгани бугун ўзининг гаройиб самараларини бераётганига гувоҳ бўлиб туримиз.

Шу нуктаи назардан қаралганда, бугун Ўзбекистонда таълим тизимига берилаётган эътибор — Миллий дастурда ўз аксини топган ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўзига хос янги намунаси ҳаётга кенг жорий этилиши кўп қабил халқларда катта қизиқиш уйғотаётгани табиий. Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан ўз тарихининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйган мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

Албатта, улут мақсадлар улкан куч-гайрат-

ни, фидойилик ва катта маблагни талаб этади. Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг янги тизимига ўтилган истиқлол йилларида баркамол авлодни шакллантиришнинг моддий ва маънавий шарт-шароитларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бугунги ёшларнинг порлоқ истиқболлини таъминлаб берган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида янги типдаги таълим муассасаларини барпо этишга, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилишига, узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш ва тақомиллаштиришга эришилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг жорий этилиши том маънода янгилик бўлди. Шу тариқа мамлакатимизда кадрлар тайёрлашда туб бурилиш ясабга эришилди ва бу соҳадаги натижаларни жаҳон андозалари даражасига кутариш имкониятлари яратилди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз таълим тизимининг ривожига жуда катта маблаг сарфлади. Айни пайтда Ўзбекистонда давлат бюджетининг умумий миқдорининг ўттиз саккиз фоизи таълим тизимини ривожлантиришга ажратилаётган. Бу эса, бугунги кунда бошқа бирор-бир давлат таърибасида кузатилмаган ҳодиса. Аксарият мамлакатларда мазкур соҳага, одатда, давлат бюджетининг атиги беш, саккиз фоизи ажратилади, ҳолос.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда беш юз ўн беш минг ўринли етти юз еттига коллеж ва лицейлар қуриб ишга туширилди. Биргина жорий йилда таълим соҳаси харажларига давлат бюджетидан 1 триллион 250 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилдики, бу ижтимоий соҳага ажратилган давлат бюджетининг эллик саккиз фоизидан кўпрогини ташкил этади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб айтганларидек, "Таълим ва уни илмий таълимга сарфлаган маблаг зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ишлов учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида "портлаш эффекти"ни беради". Дарҳақиқат, қорақўллик ўқувчиларнинг энг нуфузли халқаро олимпиадада қўлган зафарлари ва баркамол авлоднинг бошқа соҳалардаги гоятада умидбахш ютуқлари Ўртаб-шимиз таъкидлаган "портлаш эффекти"нинг далилларидир.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожланти-

риш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар асосида ўтган йилнинг ўзидаяқ эллик учта янги мактаб қурилиб ишга туширилди, бир минг қирқ тўртта мактаб жорий капитал таъмирдан чиқарилди, юзлаб коллеж ва академик лицейлар замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди, кўп қабил янги ўқув қўлланмалари, дарсқиплар яратилиб, чоп этилди. Бу ишларга давлат бюджетидан 1,2 триллион сўм сарфлаш режалаштирилган. Бу сарф-харажатлардан мамлакатимиз ва жамиятимизга етadиган нафъ эса беҳад улкан, нисоятда қўлматли бўлиши шубҳасиз. Зотан, Ўзбекистон истиқболининг эгаллари — баркамол авлодни қонил шахслар қилиб тарбиялаш Ватан истиқболли порлоқ бўлишининг гаровидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уч босқичда амалга оширилш мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 1997 — 2001 йилларни кам-



раб олган илк босқичи, 1999 — 2005 йилларга режалаштирилган иккинчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди. 2005 йилдан бошланган учинчи босқичда кадрлар тизимини тақомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёни изчил олиб борилаётган.

Ҳар бир йилнинг, ҳар бир куннинг ўз тадбири бор. Истиқлол йилларида юксалиш тадбири, айниқса, таълим тизимига ўзининг бошқа мамлакат ва халқларга ибрат бўлулук намуналарини яққол намоян этди. Давлатимиз раҳбари Илҳом Каримовнинг ташаббуси ва Бевоҳита раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли тадбир элган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўзининг ноёб, тақдорланмас ҳусусиятлари билан Ўзбекистоннинг халқаро андозаларга мос замонавий тараққиётини таъминлайдиган навқирон, баркамол авлодни майдонга олиб кирди.

Жунамазар ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзоди

Котиб минбари

МУҲИМИ — ПИРОВАРД НАТИЖА

«Адолат» СДПнинг Низоми ва Фаолият дастурида белгиланган вазифаларни тарғибот-ташвиқот этишида кучли ташаббускорлик, фаоллик зарур

Самандар АХМЕДОВ,
«Адолат» СДП Навоий вилоят
Кенгаши котиби

Ҳозирги кунда вилоят партия ташкилотини ўз фаолиятини тақомиллаштириш, жойларда турли тадбирларни ташкил этишда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат ташкилотлар, жамғармалари билан биргаликда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий жиҳатдан кўп қабил қувватлаш мақсадида «Ёшлар ва қонун», «Адолат ширинимиз бўлсин» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, партия сафини кенгайтириш мақсадида шахар ва туманларда кўп қабил давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

«Хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш» мавзусида ўтказилган семинар — конференциясида мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етакчилигини кучайтириш учун амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларга эътибор берилди. Хотин-қизларга ўз имкониятларини намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш,

тадбиркорлик масалаларида уларга қўмақлаштириш, шунингдек, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кармана туманидаги 4-мактабда туман партия Кенгаши ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида «Каттамаҳит», «Уй-рот» ва «Айрончи» маҳаллалари ўртасида беллашув ўтказилди. Ҳалиларга вилоят Кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларда депутатларнинг фаоллиги мактовга сазовор. Жумладан, Наврўз байрами арафасида ташкил қилинган тадбирда Хатирчи туманидаги «Ўзал Маржона» фермер хўжалиғи раҳбари, вилоят Кенгаши депутати Нафисдин Эшмуродов томонидан 15 та телевизор ва 50 нафар хотин-қизга қимматбаҳо совғалар топширилди. Тагич, депутатларимиз ара-лашуви билан туман ҳокимлиги томонидан ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, «Зарафшон» ширкатлар уюшмаси ҳудудига 2,5 километр масофага электр симлари тортилди.

Партиянинг Қизилтепа туман Кен-

гаши меҳнат бўлими ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда жойларда ишсизлик муаммоларини ўрганиш, ҳудудда мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан тақлифларни ўрганиб чиқиш мақсадида давра суҳбати ўтказилди. Унда «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби В.Зарипов давлатимиз раҳбарининг «Ийрик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тўғрисида суҳбат ўтказди. Шундан сўнг туман меҳнат бўлими бошлиғи Э.Авазов ва хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Каримова сузга чиқиб, Фармон ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга батафсил маълумот бериб ўтди.

«Адолат» СДП вилоят Кенгаши ва Учқудуқ туман Кенгаши туман маънавият ва маърифат бўлими ва «Камолот» ЕИҲ ҳамкорлигида ташкил қилинган «Ўртимиз келажиги ёшлар қўлида», «Йуқолсин терроризм» мавзуларидаги расмлар курғасмалари ва давра суҳбатлари, «Терроризм аср вабоси» мавзусидаги семинар-тренинг барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Фаолларимиз

НИМА УЧУН «АДОЛАТ»НИ ТАНЛАГАНМАН?

чунки партиянинг дастурий мақсад ва юзлари менинг касбим ва фаолиятимга ҳамоҳанг, муштаракдир

Шундай инсонлар бўладики, гарчи у билан ҳозиргина танишган бўлсанг ҳам, гўё узок йиллик дусту биродарингдай туюлади. Бундай кишилар билан бир қўр гурунлашсанг, яна суҳбатлашгинг келади. Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиалининг Педиатрия факультети декани, кафедра мудири Мақсудбек Мусавв ҳам ана шундай одамшунановдан, дилдор инсон. Мақсудбек ака мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдан ҳам четда эмас: «Адолат» социал-демократик партиясининг энг фаол аъзоларидан.

Мақсудбек ака 1978 йил Андижон Давлат Тиббиёт олийгоҳини тугатган, Урганч шаҳридаги 1-клиник шифохонасида терапевт бўлиб иш бошлади. Ҳозирга қадар машаққатли ва сермазмун умр илмининг босиб ўтди.

Аёлларнинг саломатлигини жамият учун нақадар муҳим эканлигини тинч-сиз меҳнат ва олиб борган тажрибалари асосида янада чуқурроқ англади. Шундан сўнг «Адири минтақаси шароитида репродуктив ёшдаги аёлларда баъзи асосий экстрагенитал касалликларнинг эпидемиологияси ва клиникасининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида илмий иш олиб бориш, уни муваффақиятли ёклади.

— Илмий ишнингизни одамларга қандай фойдали томонлари бор, деб ўйлайсиз?

— Лўнда қилиб айтганда, касалликларни аниқлаш ва қайси пайтда, қандай даволаш зарурлиги тўғрисида тавсиялар ишлаб чиққанман. Уша кузатувларим ёрдамида Жанубий Орол минтақасида репродуктив ёшдаги аёлларда тарқалган экстрагенитал касалликлар курслатқини аниқладим. Илмий изланишларимнинг самараси сифатида айтиш мумкинки, бундай касалликларнинг шаклланиши ва кечишининг механизмларини янгилаш баҳолаш имконияти яратилди. Қолаверса, бу ҳомиладорлик ва туғишнинг ножўя оқибатларининг олдини олишга ёрдам беради.

— Агар жонимиз оғриб қолгудек бўлса, дарҳол шифохорга югурамиз. Лекин яхши дўхтирлар қолмади, ҳозиргиларига қўйишга ҳам қўрқасан. Кабилидаги гап-сузлар ҳам қўлоққа чалиниб қолади.

— Бу фикрга қўшилмайман. Мана, бизнинг талабаларимизга жуда юқори талаб қўйилади. Ўқитишда янги технологиялар қўлланилаётти. Даволашда ҳам оқори технологиялардан фойдаланилмоқда. Бераётган сабақларимиздан ташқари ҳозирги кунда талабаларимиз интернетдан ҳар қандай касалликни даволаш йўллари билан бемалол ўрганиб олиш имкониятига эга. Натижада касбига ҳам, ўқишга ҳам қизиқишлари ортган. Бакалаврини тугатган талаба шун-

чаки ёрдамчи бўлиб қолади. У яна 2 йил ўқийсин давом эттирсинга, ҳақиқий шифокор деб қабул қилинади. Улар эндиликда ординатура ва магистратурада ҳам ўқишни давом эттиришмоқда.

— Негиз айна «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлгансиз?

— Тўғриси, аввало унинг номи менда қизиқиш уйғотди. Сўнг дастури ва вазифалари билан танишдим ва аъзо бўлдим. Партия ҳам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдек мақсадни ўз олдига қўйгани менга, айниқса, танлаган касбимга жуда мос келади.

Айниқса, ўтган йилнинг охирида қабул қилинган Фаолият Дастурида белгиланган вазифаларга эътибор берсангиз, партия асосан ўрта ҳол табақадagi инсонларга ҳам-хурилик курслатқини ёклаб чиққанни қўриш мумкин. Биз сафдошларнинг асосий вазифаси эса партияимизнинг устувор йўналишларини тарғибот-ташвиқот қилишдир.

— Ҳаётдаги ширинлигингиз... — Одамларни севиш, яхши қўриш. Киши дунёда доимо яхшиликка ва меҳрга интилиб йшайди. Шундай экан баҳолиқудрат шу эзгу амалларга ҳомийлик қилишни бурчим деб биламан.

Суҳбатдош: Муҳаббат САПАЕВА,
«Адолат» мухбири

ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЯДИ

Э.РАҲИМОВ

Уч фарзанднинг онаси Ўғилор Оропова — тиниб-тинимас аёл. Болаларни жуда яхши қўради, доимо уларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуради.

Ўғилор Асака туманида жойлашган «Тахриба» станцияси қошидаги маҳалла фуқаролар йиғинига маслаҳатчи этиб тайинланганида бу фазилати яна бир бор намоян бўлди. Ёлиб-югуриб спортнинг таъкиддо тури билан шуғулланиш истагида юрган маҳалла ўсмирларини жамлаб тўғарак ташкил этди. 60 нафар болақай қатнайдиган бўлган, клубга айланди.

Бу йил ёш таъкиддочилар Тошкентда бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида илк бор қатнашдилар. 2 та бронза ва битта кумуш медаль қўлга киритилди.

Ҳозир клубда ишлар қизган. «Ҳали биздан чемпионлар етишиб чиқади», — дейди Ўғилор Оропова ишонч билан.

Журналист суриштируви

Норбобо ШАКАРОВ,
журналист

2002 йил 12 февралда Фаргона вилоят «Исқилик манбаи» ИЧБ бошлиғининг 54-Ш-сонли буйруғи билан А.Турдиматов ишдан бўшатилди.

— Мен 21 йилдан буюн Фаргона туман «Исқилик манбаи» корхонасида раҳбар бўлиб ишлаб келганман, — дейди Аҳмадали Турдиматов. — Бу йиллар мобайнида бирон маротаба ҳокимият ёки бошқарма томонидан даққи эшитмаганман. Менга «ўзриси ишга келмаган» деган маломатни тақийшпти. Ваҳоланки, 6-7 февраль кунлари туман прокурори С.Зубайдуллаевнинг топшириғига биноан Миндон ва Хурава қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, иситиш тармоғининг ҳолатини текширишда қатнашганман. 7 февраль кунини эса шу юмушлардан сўнг, соат 16 атрофида иш жойимга етиб келганман ва вазифамни бажаришни давом эттирганман.

Новақ ишдан бўшатилганимдан норози бўлиб дастлаб вилоят касба уюшмалари кўмитасига мурожаат қилдим. Улар аризмани тўрт ойга яқин «судрашди» ва охири оқибат судга мурожаат қилишимни тавсия этишди. Шу хат асосида (№ 9-Т, 2002 йил 24 июнь. Мухтарам газетхон! Ушбу хат рақами ва санасини эслаб қолишимизни сўрайман, чунки у кейинги босқин судларида муҳим роль ўйнайди — муаллиф) 2002 йил 18 июль кунин суддан мени ишга тиклаш ва етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўрадим. Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро суди 2002 йил 29 декабрда

даъво аризмани қўриб чиқиб, мени ишга тиклаш ва етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин жавобгар Э.Нисонов апелляция шикоятни киритди. Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят суди туманлараро суд чикарар қарорини бекор қилди.

Ахримда «Даввогар 2002 йил 6-7 февраль кунлари ўзриси сабабларга қўра иш жойида бўлмаганлиги, ҳар хил баҳоналар қилиб, турли жойларда юрганлигини ваъж қилгани, 7 февраль кунини авария содир бўлиб, иситиш, қозонлари ёрилиб, аҳоли исқилиқсиз қолганлиги, лекин даъвогарни ҳеч қаердан тополмаганликлари сабабли (жавобгар) шахсан ўзи вилоятдан ишчи-ҳодимларни олиб келиб бартарарф этганлиги, даъвогар эса 7 февраль кунини кеч соат 16.00 да ишга келганлиги» алоҳида ургу билан таъкидланган. Бироқ ушбу суд мажлиси фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро суди раиси А.Содиқовнинг 23 декабр 2002 йилдаги сўровномасига Фаргона туман прокураторининг 2282-сонли алоқа хатини, гарчи у иш ҳужжатларига тикланган бўлса-да, негизда эътибор олмайди. Унда туман прокуратори, адлия қатта маслаҳатчиси С.Зубайдуллаев ишчиси билан қўйидаги сатрлар битилган «Фаргона туман прокуратораси томонидан вояга етмаганларнинг солиғини сақлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида Миндон қишлоқ фуқаролар йиғини Хурава қишлоқ ҳакамлик масканининг иситиш қозони ва иситиш тизимининг техник ҳолатини қўришда туман исқилик ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи А.Турдиматов ҳам 6-7-02-2002 йили кунини мутахассис сифатида жалб этил-

ганлигини маълум қилади».

Ёрилган қозондан оққан гавғолар Турдиматовнинг солиғига таъсир қилмай қолмади. Дастлаб қатнаб, сўнг 25 февралдан 5 майгача касалхонада ётиб доволанди. Шу орада 10 март кунини ишга тикланганига ёрдам сўраб, касба уюшмалари вилоят кўмитасига ариза ёзиб жўнатди. Ариза вилоят кўмитасида 11 март кунини қўйида қўйилган.

Апелляция суди судга ариза бериш бўйича бир ойлик муддат ўтказиб юборилган, яъни даъво муддати ўзриси ўтказиб юборилган, деган фикрни асослагга уринди.

— Апелляция судининг бу фикрини мутлақо тушуниб бўлмайди, — дейди адвокат Назиржон Исков. — Чунки, 11-19 февраль кунлари Турдиматовнинг қай тарзда доволангани — шифохонада ётгани, қатнагани — ё умуман доволанмагани — масалага ҳеч бир дахли йўқ. Чунки у 12 февраль кунини ишдан бўшатилган, қонун бўйича 30 кун, яъни 15 мартгача унда судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланади. 25 февралдан (даъво муддати тугашидан 19 кун илгари) касалхонага тушиб 5 майгача доволанган ва бунини тасдиқловчи қонуний ҳужжатлар мавжуд. Табиийки, бу ҳолат даъво муддатини ўзриси сабабга қўра — 5 июнчага узайтириш ҳуқуқини беради. Лекин А.Турдиматов бу муддатда судга мурожаат этмади, чунки 11 март кунини вилоят касба уюшмалари кўмитасига ёзган аризасига ҳали жавоб олмаган эди. Ва нисоят вилоят касба уюшмалари кўмитасининг 24 июнда рўйхатга олинган 9-Т рақамли жавоб хатини қўриб орқали 4 июль кунини қўйида олди. Қарангки, почта жўнатмаси Фарғонадан Водилга 10 кунда етиб борибди! Унда «Ҳозирги кунда Сиз фуқаролар

судига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш учун даъво ариза билан мурожаат қилишимиз мумкин», дейилган. Бинобарин, шу кундан эътиборан А.Турдиматов ўзининг қонуний ҳуқуқи бузилгани ва даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи борлигини англаган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 154-моддасига қўра, даъво муддати 4 июлдан бошлаб, 4 августгача сақланади. Дарҳақиқат, мана шу қонуний ҳуқуқдан фойдаланиб у 2002 йил 18 июлда фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро судига ариза берган. Ишни биринчи инстанцияда қўриб чиққан Ф.Қўрбонова расмийдаги суд ҳайъати даъво муддатини тиклаш ҳақида алоҳида қарор чиқаришга зарурат йўқ деб ҳисоблаган.

Ажабланили томони, Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг Т.Тошпулатова расмийдаги судлов ҳайъати касба уюшмалари вилоят кўмитасининг яна битта 9-Т-сонли хатини иш ҳужжатларига тиркаб қўйди. Бунини қарангки, А.Турдиматовга йўлланган бу жавоб хати 24 июнда эмас, балки 28 май (31 май?) санасида битилган эди.

Бир хил рақамли, ёзилган санаси турлича жавоб хати апелляция судига қай тарзда пайдо бўлиб қолди? Уни судга қим қадим этган? Суд ахримда яна бир қўн-бузилишга баҳо берилмаганга ўхшайди. Маълумки, меҳнат низолири аз берган да ҳодимини ишдан бўшатиш учун маъмурий касба кўмитасининг розилигини олиш қонунда белгилан қўйилган. Бошқарма раҳбарлиги бу урида Турдиматов меҳнат қилаётган Водилдаги корхона касба кўмитасининг эмас, бошқарма касба кўмита-

сининг розилигини олган. Апелляция суди ҳам мана шу ҳолатга алоҳида ургу бериб, иш бериувчининг хатти-ҳаракатларига қонуний таъти бағишлагга уринади.

Холбуки корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 4 бандига қўра, маъмурий ташаббуси билан бекор қилинган ҳолларда касба уюшма кўмитаси ёки ҳодимлар вакиллик органларининг розилиги талаб этилмаслигиндан муктарам қозиларимиз беҳабар эканлар.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ҳодимлари касба уюшма Марказий кўмитаси А.Турдиматов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда вилоят «Исқилик манбаи» ИЧБ касба уюшмасининг сафарда бўлган мажлиси амалдаги тартибга зид равишда ўтказилган, чунки аризачи А.Турдиматов раҳбарлик қилган Фаргона туман «Исқилик манбаи» корхонаси мустақил бўлиб, А.Турдиматов айнан шу туман касба уюшма ташкилотининг аъзоси бўлганлигини таъкидлайди. Йўл қўйилган ҳатолар жиддийлигини англаган ҳолда, вилоят касба уюшма кўмитаси А.Турдиматовнинг аризасига ноҳолис ёндашиб, фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига унинг шаъни ва кадр қўлматига путур етказувчи сохта маълумотлар тўплаб тарқатгани учун кўмита мутахассиси С.Тошматовга илтимосий жазо бериб, ҳайфсан эълон қилди. Кўмита ҳуқуқшуноси Б.Абдураимов ва ташкилий бўлим мудири Д.Абдураимов билан эса меҳнат шартномасини бекор қилди.

Афсуски, касба уюшмаларининг бу тадбирлари-у қўрган чоралари ҳақ-ҳуқуқи топ-талган А.Турдиматовнинг «нафас олишини»

заррача енгиллаштиргани йўқ. Аксинча, ноҳақлик туфайли юзага келган руҳий изтироблар унинг солиғига жиддий путур етказди. Ҳозир у иккинчи гуруҳ ногиронини бўлиб қолган. Холбуки, касба уюшмаларига хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари учун илтимосий жазо олган ҳодимлар бош-қош бўлиб тайёрлаган, шикоятчининг манфаатларига путур етказувчи ноқонуний ҳужжатлар — далолатномалар, баённомалар, алоқа хатлари



Таклиф

ҚАРОР АДОЛАТЛИ. ИЖРО-ЧИ?..

ёхуд суд ҳужжатларининг тўлиқ ва мукамал ижроси хусусида

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими,
Отабек ЖУРАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Бухоро вилоят суди суд мажлиси
қотиби

Фуқаролар ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган суд қарорларини ижро қилиш фуқаролик процессининг яқинловчи босқичидир. Бу босқичда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланади. Шунинг учун ҳам суд қарорларининг тўла ижро қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижро қилинмаган суд қарорлари, унинг қанчалик адолатли бўлишидан қатъи назар, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилинган, деб ҳисоблашга асос бўлмайди.

Суд қарорларининг ўз вақтида тўлиқ ижро қилиниши фуқароларнинг одил судловни амалга оширувчи органларга бўлган ишончини оширади. Шу билан бирга, у суд ҳокимиятини амалга оширишда муҳим босқич ҳисобланади.

2001 йил 29 августда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бу билан умумий юрисдикция ва ҳужжалик судлари ҳамда ижро этилиши шарт бўлган ҳужжатларни қабул қилган бошқа ваколатли органларнинг ҳужжатларини мажбурий равишда ижро этадиган яхлит тизими яратилди. Ушбу қонунга мувофиқ бу муҳим вазифа Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ҳудудий бўлиmlари ҳамда туман (шаҳар) бўлиmlарининг суд ижрочилари зиммасига юклатилди.

Кези келганда, юқорида тилга олиб ўтилган қонунни янада такомиллаштириш борасида айрим таклифларимизни билдириб ўтсак. Қонуннинг 82-моддасида ижро ҳужжатидаги талаблар ихтиёрий бажарилмаса, жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг 10, мансбдор шахсларга 15 бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган. Лекин қандай ҳолларда қанча миқдорда жарима солиниши тўғрисида айтиб ўтилмаган. Дейлик, ижро варақасида кўрсатиб ўтилган сумма энг кам иш ҳақининг икки баробарига тенг. Лекин, маълум сабабларга кўра ўз вақтида тўлай олмаган фуқарога энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорда жарима солини-

ши эътирозларга сабаб бўлаётир. Фикримизча, жариманинг миқдори ижро варақасида кўрсатиб ўтилган суммага пропорционал равишда ҳисобланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

11-моддада эса тарафларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари белгиланган. Лекин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунириш тартиби, яъни қачон, қим томонидан, қайси пайт тушунирилиши кўрсатилмаган. Бу алоҳида модда билан муштахкамлаб қўйилиши лозим.

Яна бир таклиф. Маълумки, ушбу қонуннинг 8-моддасига кўра, ижро ҳужжати судья томонидан имзоланиши керак. Лекин бу моддада суд мажлиси қотибининг имзоси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ваҳоланки, амалиётда ижро варақаси қотиб томонидан ҳам имзоланади. Бизнингча, қонунга бу ҳолни назарда тутувчи алоҳида қоида киритилиши зарур.

Шунингдек, қонуннинг 23-моддасида суд ижроси ижро варақасини қабул қилган, 3 кунлик муддатда ижро иш юритувини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва унинг бир нусхасини судга ёки ижро ҳужжатини юборган органга, бир нусхасини ундирувчига, бир нусхасини эса қарздорга жўнатиши белгиланган. Муаммо

шундаки, амалиётда бу вазифани ушбу муддатдан кечиктирмасдан амалга ошириш қийин кечмоқда. Сабаби, суд ижроси бунга жисмонан улғура олмайди. Фикримизча, суд ижроси ҳар ой ёхуд ҳар чорак якунида суд ёки ижро ҳужжатини юборган органга маълумотнома тақдим этиш механизмининг жорий этиш фойдадан холи бўлмасди.

Ҳужжатларнинг ижро иш юритишда юборилишига оид масалага яна бир аниқлик киритиш зарур. Яъни, қонунда ҳужжатлар қандай тартибда жўнатилиши аниқ кўрсатилмаган. Ижро ҳужжатлари почта ёки бошқа воситалар орқали юборилиши назарда тутилса-да, ҳаражатлар қайси манбалар эвазига қўлланиши белгиланмаган.

Сўнги таклифимиз: суд ижро сиёсатини ошириш учун суд ижрочиларининг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, статистик маълумотларга кўра, кейинги пайтларда суд ижрочиларига келиб тушаётган ҳужжатлар сони ортиб бормоқда.

Бундай камчиликларни бартараф этиш, ўз навбатида, келажда ижро ҳужжатларини таъминлаш борасида юқори кўрсаткичларга эришишга, қолaversа, фуқароларнинг қонуний манфаатларини рўйга чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Шарҳловчи нигоҳи

Иброҳим НОРМАТОВ,
"Туркистон-пресс"

Ҳозир Осиё қитъасида бир миллиарддан ортиқ мусулмон яшайди. Ғарб дунёсида эса мусулмонлар сони 25 миллиондан ошмайди. Америкада уларнинг сони 8 миллионга яқин. Шунга қарамадан ғарб дунёси бир миллиарддан ортиқ Осиё мусулмонлари устидан ҳакамликни даъво қилиб, уларга қандай яшаш ва нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ бергиси келади. Бунда ўша 25 миллион ва 8 миллион мусулмоннинг ҳаётини, турмуш тарзини, ахлоқ-одобини, дунёқарашини, мақсад ва иштиёқларини бир миллиард мусулмонга ибрат қилиб кўрсатишга уринади. Яъни, ғарбнинг турмуш тарзига мослашган мусулмонлар демократлар ва замон кишилари сифатида улугланиб, осийлик диндорларига нисбатан бир поғона юқори қўйилади.


Шубҳасиз, дастлаб Нью-Йорк ва Вашингтонда, сўнгра Лондон ва Испанияда бўлган террористик ҳужжатлардан кейин Ғарбда мусулмонларга нисбатан ишонсизлик пайдо бўлди ва баъзи демократлар ҳеч тап тортмасдан «ислом терроризми» тамғасини ўйлаб топди. Ғарбда мусулмонларга, биринчи навбатда арабларга нисбатан шубҳа қўйиб бораверди.

Ана шундай бир пайтда Яқин Шарқдаги вазият кескинлашди. Ироқ босиб олindi. Энди араб дунёсида ғарбга нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Ҳозир Ливанда юзага келган вазият, сўзсиз, бу шубҳани янада кучайтириб юборди.

Бусиз ҳам ғарбдаги айрим сиёсатдонларнинг «халқаро терроризм»ни ислом билан боғлашлари, матбуотда мусулмонлар пайғамбарининг тахқирлалиши, мусулмон мамлакатларга демократия ниқобида қилинаётган даъволар, масхабга нифок солиш учун қилинаётган хатти-ҳаракатлар, айрим минтақаларда бир диндаги аҳоли ўртасида миллий-этниқ низо қўзғаш борасидаги иттифоқлар ва бошқа геосийсий манфаатлар қўзғалиши амалга оширилаётган сиёсат ғарб билан ислом олами ўртасидаги муносабатга салбий таъсир кўрсатяпти.

Хўш, бундан бартараф этиш учун томонлар қандай чора-тадбирлар қўришяпти? Аввало, Америка-Араб форуми ташкил этилганини айтиб ўтиш керак. Давлат қотиби ўринбосари Карен Хьюзнинг фикрича, АҚШ ва араб дунёси — бу икки томонлама ҳаракат қилинадиган битта кўча. Иулнинг ишончли ва раво бўлиши

ҒАРБ ВА ИСЛОМ ОЛАМИ



уларнинг биргаликдаги ҳаракатларига боғлиқ. Афтидан, бунга эришишнинг илоҳи бўлаётган қўри-нади. Карен Хьюз араб давлатларида бўлганидан сўнг шунга ишонч ҳосил қилганки, Американинг сиёсати ва мақсадларига нисбатан шубҳа, ташвиш ва ишонсизлик бор. Ўз навбатида, Америкада ҳам араб дунёсига нисбатан шубҳа ва ишонсизлик қузатилмоқда. Ташкил этилган форум ана шу муаммони ҳал этиш билан шуғулланади.

Ғарбий Европада ҳам бу борада қандайдир тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилинапти. Бельгия, Босния, Дания, Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Португалия, Испания, Швейцария, Австралия, Канада, Буюк Британия ва АҚШдан вакил қилинган ёш мусулмонларнинг тараққиёт ва келажакка бағишланган Копенгаген анжумани шулар жумласидандир. Албатта, бундай тадбирдан кузланган асосий мақсад айрим мусулмон мамлакатларида шубҳа уйғотиш мумкин. Чунки анжуман мамлакатларга демократия ниқобида қилинаётган даъволар, масхабга нифок солиш учун қилинаётган хатти-ҳаракатлар, айрим минтақаларда бир диндаги аҳоли ўртасида миллий-этниқ низо қўзғаш борасидаги иттифоқлар ва бошқа геосийсий манфаатлар қўзғалиши амалга оширилаётган сиёсат ғарб билан ислом олами ўртасидаги муносабатга салбий таъсир кўрсатяпти.

Хўш, бундан бартараф этиш учун томонлар қандай чора-тадбирлар қўришяпти? Аввало, Америка-Араб форуми ташкил этилганини айтиб ўтиш керак. Давлат қотиби ўринбосари Карен Хьюзнинг фикрича, АҚШ ва араб дунёси — бу икки томонлама ҳаракат қилинадиган битта кўча. Иулнинг ишончли ва раво бўлиши

АҚШда эса «Гамма Гамма Чи» деб номланган мусулмон аёллар клуби фаолият кўрсатмоқда. Афтидан, унда ислом қадриятлари қатъий қилиб қўйилмаган қўринадир. Чунки клубга мусулмон бўлмаган аёллар ҳам қабул қилиниши мумкин.

Умуман, ғарб дунёси мусулмон оламида, аввало, араб дунёсида демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашга қатъий аҳд қилган. Эҳтимол, бу билан исломни демократлаштириш йўли изланаётгандир. Шундан келиб чиқиб, жумладан, АҚШ айрим давлатлардаги диний партиялар билан мулоқотлар олиб бормоқда. Бироқ ҳақиқий ислом ҳар қандай сиёсий партияга дахлдорлиқни рад этади. Исломи диний партиялар тўғрисида орқали эмас, балки диний қадриятларни кадрлаш йўли билан улуглаш керак. Партиялар эса, аксинча, ғарбнинг турмуш тарзи манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

Энди ғарб дунёси билан мусулмон олами ўртасидаги тушуновчиликларни бартараф этишга келсак, бу, аввало, мусулмонларнинг миллий, диний ва маънавий қадриятларини ҳурмат қилиш билан боғлиқ ҳолат. Акс ҳолда, ҳозир Яқин Шарқда, Афғонистонда, Ироқда юзага келган вазиятлар ҳам икки ўртадаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Одатда, биз «одил» сўзини бирорта исонига нисбатан ишлатамиз. Бироқ аслида ҳақиқат шунки, давлат ҳам одил бўлиши керак. Дунё тинч бўлиши, миллиятлар, динлар ва мамлакатлар ўртасида тотувлик таъминланиши, одамлар бир-бирларини яхши тушуниши учун уларнинг одил ва кучли деб ҳисоблайдиганлар ўзгаларга нисбатан одил сиёсат юритишлари зарур. Шундангина ғарб дунёси билан мусулмон олами ўртасидаги тушуновчилик чекинади.

ЛИВАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИГА МУҲТОЖ

А. НАЗАРОВ

Яқин Шарқда ўн олти кун олдин бошланган қуроли тўқнашулар ҳамон давом этмоқда. Исроил армияси ва Ливандаги "Хезболлох" ғуруҳи ўртасида ракета зарбалари тинмаяпти.

Чоршанба кун Исроил армиясининг махсус хизмат вакиллари Ливаннинг жанубий қисмидаги Айтрун, Марон ар-Раас, Бинт-Жейбей туманлари бўйлаб йирик ҳарбий операцияни амалга оширган. Исроил томонидан Бинт-Жейбейдаги операцияларда саккиз ҳарбий қурбон бўлиб, 22 таси жароҳатланган. Ҳозир бу ерга қўшимча қучлар юборилмапти. Шунингдек, Аль-Хиём, Маржон тумани ва Кфар-Шуба тепалигида ҳам ҳарбий операциялар қўйатирилган. Мамлакатнинг порт шаҳарларидан бири — Тирда эса Исроил ҳужуми оқибатида йирик турар-жой биноси қулаган ва айроқалар тағида 57 киши қолиб кетган. Маълумотларга қараганда, шу куннинг ўзида йигирма бешга яқин тинч аҳоли вакиллари ҳаётдан қўз юмган.

Маълумки, Исроил бир вақтнинг ўзига Ливандан ташқари, Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ҳам ҳарбий операцияларни амалга оширмоқда. Чоршанба кун Исроиллик ҳарбийларнинг Ғазо ҳаводан ва ердан туриб берилган зарбалари туфайли 18 фаластинлик ҳалок бўлди, 60 нафар тан жароҳатланди. Энг ачинарлиси, қурбонларнинг аксарияти аёллар ва болалардир. Аввалига Фаластиннинг Жабалия қочқинлар лагери ракеталар орқали қирғин қилинган эди. Кечга яқин эса ҳарбий танклар билан Ғазо

нинг шимолий қисмидаги одамлар гавжум маскан ўққа тутилган. Қўриқда Фаластин ҳукуматида етакчилик қилаётган оқсий куч — ХАМАС ҳаракатининг уч аъзоси ҳалок бўлган. Умуман Ғазо секторига Исроил ҳарбий операциялари бундан бир ой олдин бошланган эди. Бундан

қўзланган мақсад, номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган исроиллик аскарларни озод этиш ва Ғазодан туриб Исроил ҳудудига қарата учурилаётган ракеталарга чек қўйишдир. Мазкур ҳарбий ҳаракатлар ҳозирча 200 фаластинликнинг умрига зомин бўлди.

Яқин Шарқда вазиятнинг кескинлашувидан энг кўп зарар кўраётган ҳудуд — Ливаннинг жанубий қисмида эзиз-овқат масаласида жиддий инқироз юзага келган. Қуроли тўқнашулар оқибатида йўллар, кўприклар ва бошқа муҳим иншоотлар vayрон бўлди. Бу эса мазкур ҳудудга инсонпарварлик ёрдамларини етказиб берилишини қийинлаштирмоқда.

БМТнинг бутунжаҳон эзиз-овқат дастури ижроси Генири Жоссе-речдинг айтишича, Ливанда қўллаб-қувватлаётган иншоотларнинг ишдан чиқариши эзиз-овқат махсулотларидан та-

шқари, ҳозирда аҳоли учун ўта зарур бўлган ёқилғи ва дори-дармон махсулотларини юбориш имконини ҳам чекламоқда. Бундан ташқари, мазкур давлат хориздан импорт ҳисобига бўғдой, гурuch, шакар каби махсулотлар харид қилар эди.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, нотинч вазият туфайли шу вақтгача ливанлик ярим миллион фуқаро қочқинга айланган бўлса, 200 минг киши қўшни давлатлардан бошлана излашга мажбур бўлди. Мутахасссларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир Ливанга 150 миллион АҚШ доллари миқдорида бирламчи инсонпарварлик ёрдами — инчимлик суви, озиқ-овқат, дори-дармон воситалари эзизлик билан етказиб бериш зарур.

Яқин Шарқда юзага келган беқарор вазият дунё жамоатчилигини ҳам ташвишлантирмоқда. Чоршанба кун Италия пойтахти Римда Ливанда юзага келган инқирозни бартараф этишга қаратилган конференция ўтказилди. Унда 15 мамлакат ташқи ишлар вазирлари ва халқаро ташкилотлар — БМТ бош қотиби Кофи Аннан, Европа Иттифокининг ташқи сиёсат масалалари бўйича вакили Хавьер Солана ва Жаҳон банки раиси Пол Вулфовицлар иштирок этди.

Маълум бўлишича, конференцияда Яқин Шарқ минтақасидаги Исроил армияси ва "Хезболлох" ғуруҳи ўртасида кечаётган қуроли тўқнашуларга чек қўйиш чоралари қўриб чиқилган. Шунингдек, иштирокчилар Ливан аҳолисида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва мамлакат жанубий қисмига халқаро тинчликпарвар қучларни юбориш бўйича фикрлашиб олган.

Сўраган эдингиз

НЕГА БАРРЕЛДА ЎЛЧАШАДИ?

Нефть қўнчилик давлатларнинг асосий табиий бойликлари билан ҳисобланади. Аммо "қора олтин"ни тоннада эмас, баррелда ўлчашибди. Бунинг боиси нимада? Умуман, баррел қандай ўлчов бирлиги?

Иноят ҲАМДАМОВ,
Фарғона вилояти

Баррел инглизча сўз бўлиб, "бокача" деган маънони англатади. Чунки бокача узок вақт давомида денгизчилар учун ўлчов бирлиги вазифасини бажариб келган. Маълумотларга кўра, бундай бокаларнинг ҳар бирига камид 159 литр сув кетган. Ўша пайтларда танкер (суюқ ва ярим суюқ махсулотларни ташийдиган кема)лар бўлмагани боис нефтни ҳам бокаларда ташийшган. Шунинг учун нефтни баррелда ўлчашибди.

Лекин, шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда нефть захиралари тўғрисида гап кетганда, уларни тонналарда ифодалашди. Масалан, дунё нефть захиралари 176 миллиард тонна деб баҳоланмоқда. Нефть захираларининг 27 фоизи Саудия Арабистон ҳудудида жойлашган. Иккинчи ўринда Россия (12,5 фоиз), учинчи ўринда Ироқ (10,3 фоиз), ундан кейин БАА (10,1 фоиз), Кувайт (9,96 фоиз), Эрон (9,11 фоиз), Мексика (5,1 фоиз) туради. Шунингдек, Шимолий Америкада нефтининг 8, Лотин Америкасида 5,2, Осиёда 4,1, Европада (Россияни ҳисобга олганда) 1,7 фоизи бор.

Янгилик

Фойдали ва самарали



Даврон АҲМАД

Яқинда пойтахт виллоятининг Тошкент туманидаги "Ғулмомахмуд барака" агрофирмаси чорвачилик ҳўжалигида Хитойнинг "Венера" илмий маркази мутахассслари томонидан яратилган чорва гўнгида табиий газ ҳосил қилиш технологиясининг тақдими бўлиб ўтди.

Хитойлик олимлар кашф этган бу технология арзон ва содда, шароитга нўхията мослашувчан: махсус шарсимон мослама ёки

ҳандак шаклидаги қурилмага чорва гўнги жамланади. Қўёш нури таъсирида у ерда ҳосил бўлаётган газ резина қувурлар орқали тортиб олинади. Бунинг учун ортиқча куч ва энергия сарфланмайди. 2 кубометр табиий газ ишлаб чиқариш учун атиги 20-25 килограмм гўн сарфланади, холос. Бу эса бир хонадоннинг кунлик эҳтиёжини қондира олади. Чикитидан эса биогумум сифатида аграр соҳада фойдаланилади.

Қўрииб турибдики, бу технологиядан табиий газ етиб бормаган тоғли ҳудудлардаги хонадонларда, дала шийлонларида, чорвачилик ҳўжаликларида истифода фойдаланиши мумкин. Тақдирот иштирокчилари технологияни ишлатиш, фойдаланиш юзасидан уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди, илмий марказ мутахассслари билан қондириш олиди. Чикитидан эса ўрнатиб бериш тўғрисида келишиб олишди.

Хориж хабарлари

ҲАРБИЙЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

ТУХТАМУРОД МАМАТОВ

Ироқдаги япон ҳарбийларининг сўнги гуруҳи ҳам ўз юртига қайтди. Япониялик уч юзга яқин зобит ва аскар мазкур мамлакатни тарк этиши билан уларнинг Ироқдаги фаолияти бутунлай якунига етди.

Япон ҳарбийлари 2004 йилнинг январидан буюн Ироқ жанубидagi Ас-Сава шаҳрида фаолият кўрсатаётган эди. Уларнинг сафи мунтазам ўзгартириб турилган. Маълумотларга кўра, ушбу шаҳарда жами 5500 аскар хизмат қилиди. Бу ҳарбийларнинг асосий вазифаси аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва тиклаш ишларига қўмлаштиришдан иборат эди. Улар икки ярим йил мобайнида ироқликларга ичимлик суви етказиб бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва инфратузилма иншоотларини таъмирдан чи-



қариш ишлари билан шуғулланиди. Япония конституциясига мувофиқ ҳарбийлар фақат ўзини ҳимоя қилишда қўрол ишлатишга ҳақли. Шунинг учун японлар аввал голландияликлар, кейинроқ инглиз ва австралияликлар ҳимоясида фаолият кўрсатди.

Энди ҳарбийларнинг айрим қисми хизматни Кувайтда давом эттиради. Улар бу ердан коалиция қучларига тегишли юк ва ҳарбийларни Ироққа етказиб беришга қўмлашди.

натика ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, чунки ҳали янги номзодлар пайдо бўлиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг БМТ Бош қароргоҳидаги дипломатик манбаларга таяниб маълум қилишча, Бан Ки Мунни ёқлаб ўн икки мамлакат вакили овоз берган. Икки вакил қарши чиққан. Бир киши аниқ фикр билдирмаган. Хавфсизлик кенгашининг ўн аъзоси Шашаи Таруни қўллаб-қувватлаган бўлса, иккитаси — қарши овоз берган. Тайланд Бош вазирининг ўринбосари Суракият Сатиратайни ёқлаб етти мамлакат вакили овоз берган. Илгари БМТ Бош қотибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган шри-ланкалик дипломат Жа-

янта Дханапалага эса олти мамлакат вакили хайрихоҳлик билдирган.


Овоз бериш жараёни БМТ Хавфсизлик кенгашининг вето ҳуқуқига эга доимий беш аъзоси ва Хавфсизлик кенгашининг навбат билан сайланувчи ўн аъзоси иштирокида тенг ҳуқуқлилик асосида бўлиб ўтди. Бир котиб лавозими учун сайлов кампанияси ўтган ой бошланганди. Ташкилот Низомига кўра, Бош котиб Хавфсизлик кенгашининг таклифи билан Бош ассамблея томонидан тайинланади. Бу галги Бош котиб Осиё вакили бўлиши қўйлаётир. БМТнинг осийлик энг сўнги Бош котиби бирмаллик У Тан бўлиб, у ташкилотга 1961-1971 йиллар мобайнида раҳбарлик қилган.

ЯПОН АЁЛИ УЗОҚ ЯШАЙДИ



эркаклар, балки аёллар умрининг давомийлиги ҳам қисқариб бораётганидан хавотирда. Айрим мутахассслар бунга ўтган йили қўллаб қўроларнинг грипп касаллиги туфайли ҳаётдан қўз юмганини сабаб қўлиб кўрсатса, бошқаларни европача овқатланиш моделининг кенг тарқалганлиги, яъни таомларнинг ҳаддан ташқари ёғли қўз истеъмол қилинаётгани умр қисқаришига олиб келаяпти, деган фикрда.

БОШ КОТИБЛИККА САЙЛОВ



Жанубий Корея ташқи ишлар вазирин Бан Ки Мун ва Хиндистоннинг БМТдаги вакили Шашаи Тару Хавфсизлик кенгашида Бош котиб лавозими учун бўлиб ўтган

рейтингли овоз бериш жараёнида энг юқори натижани қўлга киритди. Ш.Тару ҳозир БМТ Бош қотибининг жамоатчилик ахбороти масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келаяпти.

Бош котибликка даъвогар тўрт номзодга Хавфсизлик кенгашининг беш аъзоси яширин овоз берди. Сайловчилар ўз муносабатини бюллетендаги номлар тўғрисидаги "қўллаб-қувватлайман", "қўллаб-қувватламайман" ёки "аниқ фикрда эмасман" сўзлари орқали ифода этди. Шундан кейин номзодлар натижадан воқиф қилинди. Мутахасссларнинг айтишича, бу

Акс-садо

ТИЛГА МУҲАББАТ — ҚАДРЛИ ТУЙҒУ

«Адолат» газетасида чоп этилган «Мулоҳаза» руқнида берилган «Қиймат-ни қувват»дан фарқлайлик! номли мақола менда катта таассурот қолдирди. Унда муаллиф Ф.Мадиев кўп ҳолларда ўзбек тили имло қоидаларига риоя этилмаётганини ҳақида куюнчақлик билан ётади. Бу куюнчақлик мени ўзбек тили тўғрисидаги ўз мулоҳазаларимни билдиришга ундади.

Жамшид НИЁЗОВ

Сўз авваллида бир гап. Бирмунча вақт мукдаддида Ўзбекистон телевидениесининг «Қутилмаган меҳмон» кўрсатувида бошловчининг: «Нега санъат аҳли айни Мустақиллик байрами арафасидагина Ватан, юрт ҳақида кўйлаб қолишадими? Нима, бошқа пайтда уларда бу туйғу бўлмайдими?!», деган саволи яхшигина мунозарани келтириб чиқарган эди. Тил байрами муносабати билан оммавий ахборот воситаларида тил мавзусига доир чиқишларнинг фаоллашиб қолишида ҳам шунга ўхшашликни кўзатиш мумкин. Бир гал газетамиз Наврўз билан боғлиқ мақола олиб борганимда: «Ҳали байрамгача анча бор-ку, намунча шошилмасангиз!» деган жавобни олганман. Бундай эътироздан ранжиганман йўқ. Бироқ тил каби, Наврўз сингари қадрига баҳо қўйилган фақат байрам муносабати билан ёритиш, бир хил гапларни ҳар йили такрорлаверишдан ҳеч қандай наф йўқлигини айтмоқчиман, ҳолос...

Энди асосий мавзуга кўсак. Кузатаётган бўлсангиз, бир қатор таниқли журналистлар, тилшунос олимлар хусусий радиолар, газеталарда тил ва талаффуз қоидаларига амал қилинмаётганини, улар учун биринчи даражали масала пул топиш эканини кўйиб таъкидлашмоқда. Минг афсуски, шундай. Ва фикримча, агар хусусий радио ёки газета фақат пул топиш учун ишлатётган экан, у ҳолда ўзлари ва шинавандалари учун бошқа тилини танлашса бўлмайдими, токи она тилимизга бепасандлик қилиб, одамларнинг гашига тегишмасин. Агар андиша қўлавериб, тилга доир ўбошимчиликларга йўл қўйиб берсак, бу оловга ёғ сепган билан тенг бўлади. Келинг, фикримизни деярли барча ўзбек тилида чикадиган реклама газеталаридан олинган мисоллар ёрдамида давом эттирайлик.

Газетанинг «Эълонлар» саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: «...барча турдаги электросварка, болгарка ишларини бажарамиз». Наҳотки, бу атамаларнинг ўзбекчаси бўлмаса? Ёки «ВУЗга тайёрлаш. Барча предметлар бўйича». «ПРОКАТ. Кечки оқшом кўйлақлари». «Келин либослари. Прокатта».

Шунингдек, бир хусусий радионинг «Хит тароналар» саҳифасида бериб борилаётган кўшиқ матнлари орасида қуйидагича алжирашларни эшитамиз:

«Ҳаммадан баянда Дорданам баланд Сакрама-ё, йилқиласано больно. Ҳамма келди, ҳамма келди. Яхши ният, яхши ният. Ярим мол...»

«Ҳа, энди пулини тўлаган мусиқага буюртма беради-да!» дерсиз. Тўғри, лекин бундай боши-кети, маза-матраси бўлмаган «қўшиқ»дан ким баҳра олиши мумкин?! Бундай «ғингиш»ларни кўшиқ деб ҳавола этаётганлар ўсиб келаётган авлод онгига гарбга кўр-кўрона тақлид қилишнинг меваси бўлган ва фақат шовқин-суронлари билангина оломонни жалб этиб, ёшларда миллий мусиқамиз, кўшиқчилигимиз, мумтоз наволаримизга нисбатан бепасандлик туйғусини уйғотиш йўлида жавлон уришгаётгани сир эмас-ку!

Ҳайрон қоламан, наҳот киши оддий майл-истак йўлида ўз она тили тақдирига, нуфузига бу қадар юзаки муносабатда бўлишгача борса! Ахир, бир пайтлар улугъ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий: «Миллий тилни йўқотмак — миллиятнинг руҳини йўқотмақдир», деб беҳиж айтмаган-ку. Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдириб ўтишни жоиз, деб ўйладим. Ўзбек тили муаммолари, бу борадаги ўзбошимчиликлар ҳақида фақат филологлар, педагоглар ёхуд журналистлар бонг уриши камлик қилади. Ушбу масала ҳукуматимиз, таржимонлар, иқтисодчилар ва яна бошқа кўйлаб соҳа вакилларида ҳам фидоийликни талаб этади. Модомики, тарққийёт ўзликини англашдан бошланар экан, ўз тилига муҳаббат, садоқат ҳар биримизнинг, касб-коримиз, мавқе-мартабамиздан қатъи назар, энг қадрили туйғумизга айланмоқ лозим. Зеро, бошқа дўпписи, белда белбоғи билан фахрланганидан ўзбек ўзининг қадимий, бой ва жозибдор тили билан ҳам доимо ифтихор этиши керак. Зотан, алломаларимиздан Абдулла Авлоний айтганларидек: «Ҳар бир миллатнинг дунёда ҳаёти унинг тили ва адабиётидур».

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ЭЪТИБОРДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ

Соатмўмин ЖУМАЕВ

Соглом онадан соглом бола туғилади. Шунинг учун ҳам республика-мизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, фарзандларимизнинг соглом туғилиши ва ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Музабод тумани шифокорлари ҳам катта жонбозлик кўрсатадилар.

Туманда бўлгуси оналар, яъни ўсимир қизларни профилактик кўриқдан ўтказиб, амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани аҳамиятга эга. Хусусан, туман Марказий шифонаси ФХДБ бўлими билан изчил ҳамкорликда иш олиб бораётми. Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида катталар поликлиникаси қошида никоҳдан ўтишни режалаштирган

365 та жуфтлик кўриқдан ўтказилди, бемор деб топишларининг рўйхати никоҳни қайд этувчи органга тақдим этилди.

Кези келганда, туман тугруқхонаси қошида фаолият юритаётган «Ёш ота-оналар мактаби» соғлом оилалар сонини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаш лозим. Бу ерда ёш ота-оналарга ҳомиладорлик, бола парваршиш тўғрисида маслаҳатлар бериб борилади. Албатта, тўлиқ даволанган ёш келин-куёвлар ҳам бироз вақт ўтгач, бирон касалликка дучор бўлиши мумкин. Бу масаланинг шaroитда соғломлаштиришга катта эътибор қаратилаётгани аҳамиятга эга. Хусусан, туман Марказий шифонаси ФХДБ бўлими билан изчил ҳамкорликда иш олиб бораётми. Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида катталар поликлиникаси қошида никоҳдан ўтишни режалаштирган

рия шароитида даволанди.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда туманда 27 минг нафардан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар бор. Улар ўртасида тушунтириш-тарбият ишларини кўпайтиришга катта эътибор берилляпти. Бу хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш баробарида, келгусида қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб олишда ҳам кўл келмоқда.

Ижобий ҳал қилинган ишлар сирасига туғишга ёрдам бериш бўлимларидаги аёлларни дори-дармонлар билан таъминлашни ҳам киритса бўлади. Хусусан, халқаро ХОУП дастурининг «Соғлом оила» лойиҳаси асосида келтирилган дори-дармонлари туғиш ёшидаги аёллар ва болаларга бепул тарқатилади. Мазкур лойиҳага мувофиқ туман марказий шифонасининг ўнлаб ходимлари репродуктив саломатлик, бехатар оналик ва инфекция профилактикасида оид билим ҳамда малакаларини оширишди.

Қилмиш — қидирмиш

ҚАЛБАКИ МАҲСУЛОТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

Махсуд ҒУЛОМОВ.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши куралиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гурӯҳи катта инспектори

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спиртли ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси ҳамда акциз маркази билан марказимасдан маҳсулотларни муомалага қилишга оид қонунбузарликларни аниқлаш борада қатор тадбирлар ўтказилляпти.

Жумладан, Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари томонидан «Тошкент» катта халқа йўлининг «Карвон бозори» ёнида ўтказилган тадбирда


фуқаро М.Айтбаев бошқарувидаги «ВАЗ-2106» русумли автомашина тўхталиб текширилганида, унинг юкхонаси ва салонидида фуқаро М.Ҳамидова ҳоризда ишлаб чиқарилган, акциз маркази 873.000 сўмлик 1800 қути «PINE» тамаки маҳсулотларини олиб кетаётгани аниқланган. Шунингдек, М.Ҳамидова ушбу тамаки маҳсулотларини «Эшон-гузар» бозорида «Матлуба» исми аёлдан сотиб олиб, қайта муомалага қилиш учун олиб кетаётганини билдирган. М.Ҳамидовага тегишли ҳорижда ишлаб чиқарилган 873.000 сўмлик 1800 қути «PINE» тамаки маҳсулотлари масала қонуний ҳал этилгунча қадар олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан яширин цехлар фаолиятини фойда билан боғлиқ бўлган 29 та қонунбузарликлар аниқланиб, 10 та ҳолат юзасидан жи-

ноят иши, 19 та ҳолат юзасидан маъмурий иш қўзғатилган.

Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари Шайхонтоҳур туман ИИБ ХООБ вакиллари билан ҳамкорликда Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор қўчаси, 58-уйда ўтказилган қисқа муддатли текширишда, шу уйда яшовчи Равшан Бурхон, Жамшид Бурхон ва Жаҳонгир Бурхонлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, ўз уйларида қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил этганлиги маълум бўлди. Қўлбола усулда ишлаб чиқарилган 152 минг 400 сўмлик 127 шиша «Тошкент» ароғи, копкоқлар, шунингдек, акциз марказлари, 1 дона қўлбола спирт тозаловчи мослама, 95 дона хар хил асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ёзги соғломлаштириш



“ЁШ АЛАНГАЧИ”НИНГ ТАФТИ

“Муборакнефтьгаз” газ қонлари унитар шўъба корхонаси тасарруфидидаги “Ёш алангачи” оромгоҳи сўлим ва баҳола тоғли худудда жойлашган. Бу ерда ҳар масумда 450 нафар бола дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Кун тартибидан ўрин олган муборак қадам-жоларга сўхат Шаҳрисабзнинг тарихий обидаларидан бошлангиди. Болалар кунлида она Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари жаън урган ҳолда шаҳарнинг қадимий тарихий обидалари билан танишадилар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, келажакимиз эгаларини ҳар томонлама етук фарзандлар бўлиб тарбияланишида оромгоҳда бу йил катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 100 ўринли икки қаватли ётоқхона, 250 ўринли ёғи ошхона, омборхона, нон ишлаб чиқариш цехлари қайтадан қурилди. Санатория типидидаги ором-

гоҳ болаларни даволаш учун янги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, малакали шифокорлар бириктирилди.

Оромгоҳда турли қизиқарли спорт беллашувларини ўтказиш яхши анъаналарга айланган. Бундан ташқари, оромгоҳлараро спорт мусобақаларида ҳам болалар жисмонан чинқишмоқда. Масалан, яқинда “Алоқачи”, “Нурфшон”, “Лочин”, “Беруний” номли болалар оромгоҳлари жомалари билан футбол бўйича ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Ҳалилар қасаба уюшма қўмитаси ҳамда оромгоҳ маъмуриятининг фахрий ериқлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Хуллас, болаларнинг “Ёш алангачи”даги ҳар бир кунини мароқли ва мазмунли, таассуротларга бой бўлиб ўтмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ

Суратда: оромгоҳ болалари сўхатта бораётган пайт.

Психолог маслаҳати

ОНА-БОЛА — ГУЛУ ЛОЛА

Феруза АҚРАМОВА, психолог

Ақсарият оналар фарзандлари тарбиясида алоҳидаликни афзал қўладилар. Бу ижобий ҳолатми? Ривоят қилишларича, бир онанинг фарзандини ўғирлик учун оғир ҳазога ҳукм қиладилар. Фарзанд охириги тилгада онасини келтиришларини сўрайди. «Улимдан олдин охириги марта она сўти таъминини тотаёт», деб-ди, ва онанинг қўрагини қаттиқ тишлаб, узиб олади. Уни қатл қилмоқчи бўлганларга қарата шундай дейди: «Менинг ўғри бўлишимга онам сабабчи эди, нараса ўғирлаб келганимда қайтариш ўрнига доим балли, дерди». Бу ривоят бола ҳаётининг мажруҳ бўлиши, онанинг салбий тарбияси-га аччиқ мисолдир. Доно халқимиз она сўти ва унинг тарбия қўчига катта аҳамият бериб, “сўти билан кирган жон билан чиқади” иборасини ишлатади.

Психолог Эрих Фроммининг «Севиш санъати» китобида онанинг фарзандига берадиган сўти икки хил биринчиси, яшаш учун, иккинчи хил сўт эса болага нафақат яшаш, балки атрофидигиларга эътибор билан, меҳр билан муносабатда бўлиш имкониятини яратиб мумкинлиги исботлаб берилган. Иккинчи хил сўти Э.Фромм асалли сўта қўйлади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай инсондаги бошқаларга эътибор кўрсатиш, севиш, меҳр ифодалаш қобилияти сўзсиз онаси, унинг сўти орқали ўтади. Ҳаётда зўр иштиёк, қувонч, қизиқиш билан яшайдиган она боласига худди шундай қайфиятни етказиши мумкин. Яъни, асалли сўт орқалигина ижобий хусусиятлар болада ижобат бўлади. Демак, соғлом авлодни тарбия топтириш деганда аввало шу авлод дунёга келтириладиган онани, унинг қайфияти, психологик хислатларини инобатга олишни тушунтиришимиз даркор экан.

Меҳрибон она, ҳаётдан қониқиш ҳисси билан яшаётган аёл фарзандига, атрофидигиларга беъэтибор бўлмайди. Беъэтиб Шайхонтоҳурда аёлни фариятга қўйиш эътишмайди. Фариятга Оллоҳ яратган пок, беғуноҳ тили-мотдир. Қолаверса, аёлгина фарзанд қўриш ва уни тарбия қилишдек муң-қаддас шараф учун масъулдир.

Халқ фаровонлигини ошириш ижтимоий дастурида оилага алоҳида катта эътибор берилмоқда. Фаровон оилаларда она ва бола, эр-хотин, қанақадан келин муносабатларида со-

лом ҳаёт тарзи кузатилади.

Яқин одамларнинг ўзаро муносабатлари киши фаолиятининг самардорлигини, қайфиятини, ҳулқ-атворини ҳам кўрсатади. Психолог олимлар махсус тадқиқот ўтказганлар бунда она-бола муносабатлари-га қараб, бола ўзини қандай ҳис қилиши мумкинлиги махсус ўрганилган. Она-бола муносабатлари ўзвий, самимий, бироқ меҳр кўп кўрсатилган муҳитда ўсган бола билан она-бола муносабатлари яқин эмас, шунчаки, меҳр кам ифодаланган муҳит-



да ўсган бола орасида жуда катта фарқ ва тафовутлар кузатилади. Тадқиқотларда шунингдек, онаси билан кўпроқ бирга бўлган болада (бу албатта, боланинг гўдақлик ва илк болалик даврида) ўзини ҳимояланган ҳис қилиш, ўзига ишонч қўриқлиги, ҳулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида эса қизиқиш, ҳаракатчанлик, меҳр кўпроқ кузатилади. Акс ҳолатда эса, бола хусусиятларида ҳадиксираш, ишонсизлик, асабийлик, бекфарқлик намоён бўлган.

Мана шунинг учун бўлса керак, аёлларимиз фарзанди бўлганларидан кейин унинг тарбияси ва парварши билан уч йил ҳамда ундан ортиқ шугулланган бўлишлари лозимлиги талаб қилинади. Ундан ташқари, фарзанд тарбия қилаётган аёлнинг ўзи юқори даражада тарбияланган бўлиши зарур. Бу борада ёшлар айниқса, қизлар оила-никоҳ муносабатлари, фарзанд парварши масалалари, оила юртиши силралари, оилада муомала маданияти каби ҳикматларни оила қуришга қадар тайёрлаш муаммоси мавжуд. Чунки, тарбияланган қизлар инсон ҳаётини фалокатга, ҳалокатга, жаҳолатга олиб бормайди, балки саодатга, маърифатга, бахтга етказди.

Долзарб мавзу

I. АСРЛАР ВАБОСИ — НАСЛАР НИДОСИ

Газетамиз мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, халқаро ва бошқа мавзуларга қатори миллий қадриятлар, инсоний ғазилатлар бобида, турмушда учраб турадиган иллатлар ҳақида кўплай чиқишлар қилиди. Сўйасташунослар, олимлар, ёзувчилар ва журналистлар қаламига мансуб бундай долзарб мавзудаги мақолалар газетамизнинг катта қизиқиш уйғотиб келаётми. Жумладан, фаол муаллифларимиздан Абдулҳамид Ҳабибуллаевнинг «Са-воб, қилов ва риё ҳусусида», «Қўшиқчилик ҳикматлари», «Олтин олма, дуо ол» сарлавҳали мақолалари кўпчилида илқ таассурот қолдирди. Шунинг ҳисобига олиб ушбу сонидан А.Ҳабибуллаевнинг «Асрлар вабоси — наслар нидоси» туркум мақолаларини эълон қилишни лозим топдик.

Тонг палласи телефон жиринглади. Ўйшакни кўтардим: — Ассалому алайкум, сизни маҳалладан безовта қилаяймиз. Зокир ақанинг йигирма беш яшар ўғли вафот этибди. Соат унда чиқариладиган бўлди.

Уйилани қолдим: ёлғиз ўғил эди, фаровон яшашарди. Бунинг устига, соғпа-соғ, олий маълумотли эди. Бироқ хали бирон ишнинг эганини тутган эмасди. Ота-сини янги “Нексия” машинаси ҳам олиб берганди. Уйлангани ҳам кўп бўлмаган. Нима бўлди экан? Бомдод намозини ўқиб бўлгач, Зокир ақанига йўл олдим. Халқимиз рафиқам айтган бир гап чарх ура бошлади: “Келини кетти қолибди. Ўғиллари наркоман экан”.

Кўнглинг — ўзингга ёв, дейдилар. Тавба қилдим: “Астағфурulloҳ!”. Шу ҳаёллар билан Зокир ақанинг уйига ҳам етиб келибман. Ўшиқ олдида тўн кийган тўрт-беш киши турибди. Қўришдик.

— Биродар, ёлғиз ўғлим Дилшодхондан айрилиб қолдим, — деди аёл қоматли Зокир ақа қўзи-

да ёш қалқиб.

— Бандалик, дўстим! Худонинг хоҳиши-да. Таъзиямни қабул қилинг. Сизга Оллоҳдан сабр-бардош тайлайман, — дедим.

— Кеча дурустгина сўхбатлашиб ўтиргандик. Ҳеч нарсадан шикоят қилмаганди. Бир пайт кўчага чиқиб кетди... Баччагар дозасини ошириб юборибди-да! — деди Зокир ақа фиғони фалакка чиқиб.

Ха, шўхлик, тўқлик ёки бебошлик сабабини, ишқилиб, айрим ишларимиз гўёи гўёи ҳисобидан дучор бўлиб қолаётми. Эл назарига тушган, раҳбар бўлиб ишлаган Зокир ақанинг ёлғиз фарзанди Дилшодхон шу оғатга ўралашиб, ота-онасини доғда қолдириб, бу фаний дунёни тарк этди.

Дунёда ҳеч бир ота-она фарзанд доғини кўрмасан экан. Бундан оғир мусибат йўқ. Халқимизнинг минг йиллик турмушда ичкиликбозлик, гўёи-вандлик, қучли таъсир этувчи баъзи табиий ва сўний моддаларни истеъмол қилиш, токсикомания сингари иллатлар бўлмаган. XX асрнинг бу ўта хавфли вабоси XXI асрга ҳам бемалоли ўтиб олди. Ана шу иллатга муамало бўлиб, унинг жафосини тор-

таётганлар сони ортиб бораётми. Тинч, осуда оилаларни доғда қолдириб, нафисон фарзандларни бу иллат орамидан олиб кетмоқда.

Хўш, гўёи-вандлик, токсикомания нима? Улар қай тарзда тарқалади? Унга қарши куралиш учун нима-ларга эътибор бериш керак? Бу каби саволларга жавоб бериб, ёшларни ичкиликбозлик, кашандалик, гўёи-вандлик балосидан оғохлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш иллатга қарши курашишнинг энг бошлангич ва самарали босқичи, деб ўйлаймиз.

Гўёи-вандлик бирор табиий гўёи ёки сўний равишда тайёрланган моддани истеъмол қилиш, чекиш, хидлаш, танага суртиш ёки инъекция-укол орқали қон томирларига юбориш туфайли содир бўлади. Одам бунда кайф қилишни ўз олди-га мақсад қилиб қўлади. Наркотик моддаларнинг аянли хусусиятлари шунданлики, уларни бир марта татиб кўрган одамда қайта истеъмол қилишга мойиллик, кўнма ҳосил бўлади. Гўёи-вандларнинг бир неча тоифаларга бўлиш мумкин. Улар орасида гўёи-ванд моддани фақат бир марта қабул қилиб, унинг азобидан панд еган, иккинчи бор бу ишга қўл урмаслиққа қарор қилган иродаси мустаҳкам кишилар ҳам, олган қайфияти мойиллик билдириб, ишқилибозлиги ортиган ҳам бор. “Дори”га ўрганиб, кўнма ҳосил қилган, ундан қутулиш учунчилик қийин эмас, деб ўйлаганлар эса аста-секин ундан ҳузуриганини одат қилиб олишади. Яна бир тоифа гўёи-вандлар бу иллатга муккасидан кетган, унга тобей бўлиб, ўз инсоний хусусиятларини йўқотган, акли

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Таҳрир хайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиез АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14
Факс —
133-41-89
Котибият —
136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
133-41-89
Хатлар бўлими —
136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39
Иқтисодий ва саноат
бўлими —
136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Бахтиёр Тошназаров
Навбатчи —
Носир Хайдаров
Саҳифаловчи —
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан қўчириб
босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга
оширилади.

† — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 900
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида
босилган
Қўғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Хафтаннинг жума кунлари
чиқади.

Босишга топшириш вақти
— 2000
Босишга топширилди
—